

Расулжон Мирзааҳмедов  
Азизбек Муртазаев

# ТАБИЙ РАНГЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

# TECHNOLOGIES OF NATURAL DYEING

**УЎК: 667.2(075)**

**ББК:**

**XXX**

**Таҳрир ҳайъати:**

Сайдадафзал Маллаханов – ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси бош мутахассиси

Саида Азимова – ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси бош мутахассиси

Элбек Сайдов – ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси бош мутахассиси

Ушбу қўлланма ЮНЕСКО ишлари бўйича Корея Республикаси Миллий комиссияси ва ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияларининг ҳамкорликдаги “Ипак матоларга безак беришда табиий бўёқлардан фойдаланиш” номли лойиҳаси доирасида чоп этилди.

**Ҳамкор ташкилотлар:**

ЮНЕСКО ишлари бўйича Корея Республикаси Миллий комиссияси;

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси;

Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари “Ҳунарманд” ўюшмаси.

**УЎК: 667.2(075)**

**ББК:**

ISBN 978-9943-313-620

© Мирзааҳмедов Р., 2015 й.

© Муртазаев А., 2015 й.

© “Chinor ENK”, 2015 й.

## Кириш

Хунарманднинг ранглар устида ижод қилиши, бўяш учун зарур хомашёлар ва бўяш услубларини пухта билиши янги маҳсулотлар туркумини яратиш ва унинг харидоргир бўлишига эришиш имкониятини беради. Рангларни тўғри танлай олмаслик ёки рангни таркибий жиҳатдан яхши билмаслик, маҳсулотдаги нақш ёки гулларнинг ва умуман, матонинг бузилишига олиб келади.

Бу китобни ёзишдан мақсад тўқимачилик, каштацилик ҳамда гилам тўқишида ишлатиладиган ипак, ип ва жун ипларини табиий бўёқлар билан бўяш жараёни, бунда устахона қандай бўлиши, ишлатиладиган ускуна-жихозлар, йиллар давомида синалган бўяш услублари ва бўёқлар бўйича тўплланган билим ва малакалар хақида маълумот беришдан иборат.

Қадимги даврлардан ҳозирги кунгача гиламдўзлар, каштацилар, дўппидўзлар ўзларига зарур хомашёни (ипак ва пахта ип) бозордан тайёр рангланган ҳолатда сотиб олишган. Қадимда бундай маҳсулотлар билан савдо қилувчи маҳсус дўконлар мавжуд бўлган. Дўкондор ҳар хил қалинликдаги ипак ёки пахта ипни калава тайёрловчи хунармандлардан сотиб олган, сўнг бўёқчилик устахоналарида бўятиб, сотувга чиқарган. Ҳозирда Ўзбекистон бозорларида ҳам худди шунга ўхшаш ҳолатга дуч келмоқдамиз. Бироқ, бурунгисидан фарқли ўлароқ, бугунги кунда калава иплар фабрикаларда автоматлашган дастгоҳларда йигирилиб, сунъий бўёқларда рангланмоқда.

Лекин каштацилик ёки гиламдўзликдан фарқли равишда тўқимачилиқда, айниқса абрли матолар тайёрлашда, қадимдан бўёқчилик хунари катта аҳамият касб этган. Кўп ҳолларда хунарманд оиласарда ва устахона-

ларда бўёқ таркиби сирсақланган ва авлоддан-авлодга мерос сифатида ўргатиб келинган. Шунинг учун ҳалқ орасида азалдан та жирибали бўёқчи-хунармандлар юксак ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган. Бундай моҳир бўёқчиларни ҳурмат қилиб, “Рангрез” ёки қисқартириб “Рариз” деб аташган. 1950 йилларгача Марғилоннинг “Оқ масжид” маҳалласида



Бўялган ипакларни табиий шароитда қуритиш  
(1954 йил)

машхур Қосим рариз, Жўравой рариз ва Жалолиддин раризлар яшаб ўтганлар. Бўёқчилар ишлайдиган устахона эса Раризхона деб аталган. (1967 йилда Марғилон шаҳридаги “Оқ масжид” маҳалласида сув ўтказиш мақсадида ер қазиш ишлари олиб борилганида, қадимий бўёқчилик устахонаси топилган. У ерда бир неча катта хумлар мавжуд бўлган, ҳатто, бу хумлар ичдан қотишима ҳолидаги ранглар чиққанлиги ҳам маълум. Ўша даврда ёш бўлган уста ҳунарманд Набижон Тоштемировнинг айтишича, топилган қотишима ранглардан бир бўлак кўчириб олиб, деворга чизиб кўрилганда, ранглар ўз хусусиятини йўқотмаганлиги маълум бўлган).

Шу ўринда бирозгина тўқимачилик шаҳри Марғилон ҳақида тўхталиб ўтсак.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан Марғилонда тўқимачилик анъаналари тараққий топиб бориб, шаҳар тарихий, иқтисодий ва бошқа омиллар туфайли



Мато бўёқлоечи устапар (XIX аср охири)



Бўялган иппарни бозорда сотувчи аёллар

Туркистоннинг “ипак маркази”га айланган. Шаҳарда бир неча йиллар мобайнида иккита энг йирик тўқимачилик комбинати иш олиб борди. Улардан бири миллий мато – хонатлас ишлаб чиқариб, бутун Марказий Осиё минтақасини абрли мато билан таъминлаган бўлса, иккинчиси, ипакни тўла қайта ишлаб, ундан ярим тайёр ипакли мато ва гул босилган ипакли матолар тайёрловчи комбинат ҳисобланган. Мазкур корхона ишлаб чиқариш қувватларига ва маҳсулот сифатига кўра собиқ иттифоқда иккинчи ўринда турарди.

Албатта, ҳар икки ишлаб чиқариш корхонаси шунчаки бўш ерда вужудга келмаган. Марғилонда XIX асрнинг 80-йилларида ёқ тўқимачилик хунармандчиликнинг энг асосий турларидан бирига айланиб бўлган эди. XX асрнинг биринчи ўн йиллигига келиб, бу шаҳар ип газлама ва шойи тўқиш саноатида корхоналар ва ходимлар сони бўйича минтақада етакчилик қилган. Архив материалларига кўра, шаҳарда 600дан зиёд пиллакашлик ва тўқимачилик корхоналари мавжуд бўлиб, уларда мингдан зиёд усталар меҳнат қилишган.

1916 йилда рус олимни К. Розвадовский Марказий Осиёдаги тўқимачилик корхоналарининг ҳолати устида қизиқарли тадқиқот ўтказган. Унинг аниқлашича, ўша




Ипларни бўяш жараёни (1947 йил)

даврда Бухорода 46 та шойи тўқиши устахонаси бўлиб, уларда 197 та ишчи меҳнат қилган бўлса, Қаршида – 19 та, Кўқонда – 40 та, Самарқандда – 6 та шойи ва нимшойи устахоналари ишлаган. Бундай устахоналарнинг энг кўпи, яъни 1200 дан ортиғи Марғилонда фаолият юритган.

Марғилонда ҳарир, сержилва матолар ишлаб чиқариш кенг тарқалган. Уларнинг нечоғли юқори



Бўёқчи устахонаси (XIX аср охри)



сифатга эга бўлганлиги тарихий маълумотларда, бадиий адабиёт намуналарида ҳам қайд этилган. “Ўзининг ҳарирлиги, сержилвалиги, ниҳоятда нафис ва бўёқларининг ёрқинлигига қарамай, ювганда ўчиб кетмаслиги, улардан кўйлак, чойшаб, шарф ва бошқа маҳсулотлар тайёрланиши”ни ёзувчи Ҳасан Ирфон ўзининг “Хунармандлар кулбасида” номли романида баён этган. У савдо-сотиқ билан ҳам шуғулланган бўлиб, ўзининг ёзишича, XX аср бошларида у фақат Марғилондангина шойи сотиб олар эди. Ҳасан Ирфон Марғилон усталарини юқори сифатли шойи тўкиш бўйича бутун миңтақада энг моҳир деб билган. У Марғилонлик кўплаб газлама тўкувчи усталар билан танишган ва уларнинг устахоналарида меҳмон бўлган. Ёзувчи Отабой рариз (бўёқчи)нинг уйида бўлганини ўз романида батафсил баён этиб, бизга ўша давр бўёқчилик устахонаси ҳақида қимматли маълумотлар бера олади. Унда ёзилишича: «Отабойнинг устахонасида, Марғилондаги бошқа кўпчилик устахоналардаги каби, иккита катта қозон: мис ва чўян, иккита катта хум ва ишқор учун мўлжалланган тўртта кўза бор эди. Кўзалар ерга кўмилган бўлиб, бир нечтаси девор тагида турарди. Қозонлар ўртага ўрнатилган эди».

Қадимги бўёқлар асосан, анор пўсти, испарақ, рўян каби ўсимликлардан тайёрланган. Бугунги кунда бўёқ саноатида улардан кенг қўлланилади. Қирмизи (кошинель) ва нил (индиго) бўёқлари эса четдан келтирилган. Бу бўёқлардан хилма-хил бошқа ранглар ҳосил қилинган.

Краузенинг маълумотларига кўра («Заметки о красильном искусстве туземцев. Русский Туркестан. Вып.2. М. 1872), уч фунт (Европа мамлакатларида қадимги ўлчов бирлиги, 1 фунт – 409,5 граммга teng.) ипакни қора рангга бўяш учун 2 фунт анор пўстлоғи ва ярим фунт темир қириндиси солиниб, мунтазам равишда арапаштирган ҳолда кун давомида қайнатилади. Ишқорда олдиндан қайнатиб олинган ипак тайёр арапашмага солиб қўйилади, шу тарзда мато бўялади. Малла ранг олиш учун 6 фунт испарақ ўти, ярим фунт рўян ва 3 унция (Россияда қадимда қўлланилган оғирлик ўлчов бирлиги, 29,86 граммга teng) аччиқтош олинади. Шулар ҳаммаси узок вақт давомида мунтазам қайнатилади. Сузиб олинган суюқликка ипак солинади. Гилосранг бўёқ олиш учун 5 фунт ипакка бир фунт бузғун, бир фунт қизил бўғим ва ярим фунт кошинель олиниб, қозонда қайнатилади ва сузиб олинади. Оч яшил рангга бўяш учун ипакни испарақда сарик рангга бўяб олиниб, сўнг кучсиз индиго қоришмасига солинади ва ҳ.к.

Синтетик бўёқлардан фарқли ўлароқ, ўсимлик бўёқлари анча тургун бўлиб, уларда кескинлик кузатилмайди. Ўсимлик бўёқларининг яна бир афзаллиги шундаки, улардан фойдаланилган ҳолда тайёрланган матолар уриниб кетмайди, ранги айнимайди. Бу эса мато безакларининг узоқ вақт

ўзгармай сақланишига имкон беради.

Юқоридаги маълумотлар ва музейларда сақланаётган халқ амалий санъати намуналаридан шуни англаш мумкинки, қадимги Туркистонда бўёқчилик ўзининг энг юқори даражасига етган. Бироқ, ўрта асрлардан бўён деярли ўзгармай келган бўёқчилик технологияси Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши билан катта ўзгаришларга учрайди. Абрбандчи халқ усталари XIX асрнинг 70-йилларига қадар фақат табиий бўёқлардан кенг ва моҳирона фойдаланиб келишган бўлса, кейинчалик тўқимачилик саноатига анилин бўёқлари кириб келди, улар қуёш нури, ишқор ва ҳатто, сув таъсирига ҳам ниҳоятда берилувчан эди.

Импорт қилинган сунъий бўёқлар қадимги бўёқчилик анъаналарини истеъмолдан чиқариб ташлади. Сунъий бўёқларнинг тури хонликларнинг ўша пайтдаги саноатлашган илғор давлатлар билан қилган сиёсий алоқаларига боғлиқ бўлган. Масалан, XIX асрларда Бухоро амирлиги Германия билан яқин ҳамкорлик алоқаларига киришади. Шу боис бозорларга келган илк сунъий бўёқлар немис компанияларининг маҳсулотлари бўлган. Туркманлар Россия билан яқин сиёсий ва савдо алоқаларини ўрнатгандарни сабабли уларга Россиядан, Афғонистонга эса Англиядан сунъий бўёқ маҳсулотлари келтирилган.

Маълумки, 1917 йил инқилобидан кейин хусусий мулкчиликка қарши кураш авж олди. Устахоналар бузиб ташланди, ҳунарманд усталар бир ерга йиғилиб, артеллар ташкил қилинди. Жуда кўплаб усталар Афғонистонга ёки Шарқий Туркистонга (ҳозирги Хитой таркибидаги Уйғур автоном Республикаси) ўтиб кетишлиди. Халқ усталари қаттиқ сиқувга олинди. Давлат артелларида ишлашга мажбур қилинди ёки кўплаб усталар мажбурий иш тартиблари шароитида ишлашдан бош тортиб, бошқа касб билан шуғулландилар. Авлоддан-авлодга ўтиб келган ҳунар – бўёқчиликнинг халқаси узилди. Айниқса, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи Жаҳон уруши кўплаб уста рариз (бўёқчи)лар ҳаётига зомин бўлди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам бўёқчи усталарнинг айрим авлодлари бу ҳунарни давом эттиришга киришдилар. Қаттиқ назорат ўрнатилганига қарамай, усталар уйларида газлама тўқиши билан шуғулланиб, ишлаб чиқарган маҳсулотларини яширинча бозорларда сотишар эди. Бироқ, бундай таваккалчилик кўпинча аянчли ҳолга олиб келарди. Молия ходимлари бозорларда юриб ҳунармандларни ушлаб, маҳсулотларини мусодара қиласар эдилар. Марғилоннинг «Оқ масжид» маҳалласида яшовчи катта ёшдаги одамлардан шўролар даврида қамоққа олинган усталар ҳақида суриштирилганда, 20 дан ортиқ оиланинг кимидир қамалган, 32 оиланинг хонадони давлат томонидан мусодара қилиниб, ўзлари мажбурий равишида

## Бўёқлар

Ўзбек халқ амалий санъати намуналари бўлган тўқимачилик, гиламдўзлиқ, каштачилик ва матога гул босиш (читгарлик)да бўёқчилик мураккаб жараён бўлиб, у асосан қуйидаги уч босқични:

1) Бўёқ берувчи табиий воситаларни яхши билиш ва улардан ранг тайёрлаш;

2) Маҳсулотни бўяш учун тайёр ҳолатга келтириш (хом ипакни ювиш, ип ёки матоларни бўяшга тайёрлаш);

3) Бўёқ учун сув тайёрлаш, бўяш, сўнг чайиш каби юмушларни ўз ичига олади.

Юртимиз табиати жуда бой ва ранг-баранг. Айниқса, мамлакатимиз иқлим шароити табиий бўёқ, ранг берувчи ўсимликларни етиштириш учун жуда ҳам қулай. Табиий бўёқ олишда ишлатиладиган ўсимликларни, мева ва сабзавотларни ҳар қадамда, ўз томорқамиз ё боғимиздан, ёхуд ҳеч бўлмагандан бозорларимиздан осонгина топса бўлади. Улардан фойдаланган ҳолда бўёқ тайёрлаш бўйича тажриба ўтказиш мумкин. Айниқса, қизил ранг олиш учун зарур бўлган рўян ўсимлигини нафақат табиий шароитда, балки томорқада ҳам ўстириш мумкин.

Ушбу китобда кўпроқ оқ рангли ипак, жун ва пахта ипларни бўёқчиликнинг аниқ ранглари саналган сариқ, қизил, кўк-яшил (зангор), қора ва малла рангларга бўяш услублари берилган. Боиси, ўзбек халқ амалий санъатида юқоридагилар энг устувор ранглар саналади. Бироқ, устахона шароитида индиго билан ишлашда оқ, сариқ ва қизил ипаклардан ташқари оч малла рангли ипакни бўяб кўриш, ёки кулранг, кўк, сариқ рангли ипакни рўянга ботириш, зарғалдоқ ва сариқ рангни олишда, масалан, тут, олма ва арча дарахти танасида юзага келадиган замбуруғдан фойдаланиш каби тажриблар ўтказиш мумкин. Бундан ташқари, турли хоссаларга эга бўлган (қаттиқ ва юмшоқ) сувдан фойдаланган ҳолда бўяшни синаб кўриш ҳам фойдадан холи эмас. Сабаби, табиий ранглар юмшоқ сувда ёрқинроқ, қаттиқ сувда оч ва хирароқ чиқиши мумкин.



Табиий бўёқларда бўялган жун иплар

Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, ачитиш усули орқали кучли ранглар олиш мумкин. Масалан, анор пўчоғини ачитмасдан қуритилган ҳолатда кўп микдорда ишлатилса, тўқроқ ранг олса бўлади. Лекин, оз микдордаги анор пўчоғини ачитиш орқали тўқроқ, ёрқинроқ ранг олиш мумкин. Ана шундай ачитиш орқали ёнгоқ, индиғодан тўқроқ ранг олиш имкони бор. Табиий ранглар оламига кириб борган сари, қизиқиб ҳар хил тажрибаларни амалга ошириб, кутилмаган рангларни кашф этиш ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

Китобда берилган услублар билан ишлаганда, кўрсатилган ранг чиқмай қолган тақдирда, шошилмасдан сув таркиби ва ҳароратини текшириш лозим. Рангловчи унсурлар, рўян, индиго ва унинг қушимчаси бўлган гидросульфитни бўёқчиликдан хабари бор одамдан сотиб олиш мухим. Масалан, рўян томири камида икки йиллик бўлиши керак. Уч ийлиги ундан-да яхши ранг беради.

Шу билан бирга бўялувчи маҳсулотларимизнинг қандайлигига ҳам аҳамият беришимиз керак, яъни ипакларнинг оби-тобида ишқорлангани, аччиқтошда меъёрида пиширилгани, ипакнинг қаттиқ эшилгани ёки жуфтланганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қаттиқ эшилган ипакни рангда узоқроқ тутилса, жуфтланган иплар тезда рангланади. Қўй юнгига нисбатан эчки юнгидан эшилган иплар тезроқ ва ёрқинроқ ранг олади. Ипак ва жунни бўяшдан кўра, пахта ипни бўяш қийинроқ. Қадимда Бухоро адреси, асосан оқ ип билан тўқилган, тўқувчи ипни бўяб ишлатгандан кўра, маҳсулот қимматроққа тайёр бўлса ҳам ипак микдорини кўпайтириб тўқиган.

Ҳозирги пайтда сунъий бўёқлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган бўлса-да, берилган маслаҳат ва бўяш услубларимиздан фойдаланиб, экологик тоза, табиий, соғлиқ учун фойдали ҳамда жаҳон бозорида харидоргир бўла оладиган маҳсулотлар чиқарилса, китоб муаллифлари ўз мақсадларига эришган бўлар эдилар.



Табиий бўёқларда бўялган ипак иппар

## Табиий ранглар билан ишлаш учун зарур ускуна-жиҳозлар

### Мис қозонлар

Тарихга назар ташласак, ота-боболаримиз бўёқлашда хумлардан фойдаланганлар. Бизнинг замонамизда бўяш жараёнини мис қозонлар ёки сирланган идишлардан фойдаланган ҳолда амалга оширса бўлади. Ранглаш усули ва маҳсулотлар турига қараб, мис қозонлар ёки сирланган идишларнинг турли ҳажмдагиларидан фойдаланиш мумкин. Тўқимачилик (абрли бўёқлар)да сифими 50-100 литр бўлган катта ҳажмдаги идишлардан фойдаланилгани маъқул. Сабаби, бўялувчи кашакнинг ҳажми катта бўлади. Агар бўлиб солинса, ранг бир-биридан фарқ қилиб, оч ёки тўқ бўлиб қолиши мумкин. Гиламдўзлик ҳамда каштачилиқда бўялувчи итак калава ҳолатида бўлади. Бунда сифими 20-50 литрли

идишларни ишлатиш мақсадга мувофиқ. Ранглаш учун идиш танлашда рангнинг ва солинадиган сувнинг миқдорига қаралади.

Ранглаш турини эътиборга олиш муҳим, чунки ишни оҳорлаш ва аччиқтошда пишириш учун алоҳида, сарик, қизил, кўк ранглар учун алоҳида, қолган ранглар учун эса бошқа бир идиш керак бўлади. Демак, ранглаш жараёни учун устахонада бешта қозон бўлиши талаб этилади.



Мис қозон



Ховонча

### Ховонча

Турли шеваларда турли айтиладиган ҳовонча, келича, ўғирча аччиқтошни ҳамда рангларни майдалаш (туйиш) учун зарур бўлади.

## **Тарози (граммли)**

Тарози устахонадаги энг зарур бўлган жиҳозлардан бири. Бўёқчилика ранг ёки аччиқтош миқдорини тўғри ўлчаш жуда муҳим, бу мўлжалланган рангни меъёрида олиш учун ёрдам беради. Тахминий ўлчаш табиий бўёқчилика қатъий тақиқланади.



**Электрон тарози**

## **Сополли хумлар ва пластмасса идишлар**

Сополли хумлар ёки пластмасса идишлар бўёқлашдан олдин тоза сувни, кейин эса бўёқли сувларни сақлаш, ёмғир сувларини тўплаш учун зарур бўлади. Бунда хумларни ва пластмасса идишларни соя-салқин ва қоронғу жойларда, энг яхиси, ертўлада сақлаган маъқул. Шунда сувнинг хусусиятлари бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар камаяди.



**Пластмасса идишлар**

## **Сув ҳароратини ўлчаш мосламаси**

Сув ҳароратини ўлчаш мосламасининг бўёқчилиқдаги аҳамияти беқиёс. Бўяш жараённида бу мослама устанинг қўлидан тушмайди. Сувнинг ҳароратини тўғри ўлчаш мўлжалдаги рангни олиш учун жуда ҳам муҳим.



**Сув ҳароратини ўлчаш мосламаси**

## **РН ва TDS ўлчаш мосламалари**

Бу икки мослама сувни бўяшга тайёрлаш жараёнида, унинг қаттиқ-юмшоқлигини, ишқорлилик даражаси ва эритутувчанлик даражасини назорат қилиб бориш, зарур ҳолларда ўзгартириш имконини беради, ҳамда бўяш давомида жараённи доимий равиша кузатиб боришда қўл келади.



**РН даражасини ўлчаш мосламаси**



**TDS (Сувнинг юмшоқ ёки қаттиқлигини ўлчаш мосламаси)**

## **Таёқчалар (40-50 см узунликда)**

Таёқчалар (чўплар) ёғочдан ясалган бўлиб, ранглаш жараёнида кавлаш, сўнгра эса ишни қоқишига ёрдам беради. Таёқчалар ҳар бир рангга алоҳида ишлатилади. Зангламас (нержавейка) таёқчалар ҳам бўлаверади. Улар рангни ўзига шиммайди.



**Таёқчалар**

## **Ипакларни қуритиш учун маҳсус хона**

Ипак, ип ёки жун аччиқтошда пиширилгач ёки ранглангандан сўнг салқин ва қоронғи жойда сақланиши керак. Бунинг учун маҳсус хона зарур бўлади. Ўрамлар қоронғи хонада ранглаш ва чайиш жараёнигacha 7-10 кун сақланади. Сабаби, бунда ўрам рангни яхши олади ва ўзида яхши сақлайди.



**Ипакларни қуритиш учун маҳсус хона**

## **Резина қўлқоплар**

Индигодан фойдаланган ҳолда бўяш жараёнида резина қўлқоплардан фойдаланиш керак, чунки гидросульфит қўлга акс таъсир бериб, терини куидиради.



**Чўмичлар**

## **Резина қўлқоплар**

## **Чўмичлар**

Устахонада ўлчовли чўмичлардан фойдаланилгани маъқулроқ. Пластмасса чўмичлардан фойдаланиш мумкин. Асосийси, иссиқликка дош берса бўлди.



## Табиий бўёқлар тайёрлашда қўллаш учун сувнинг хусусиятларини фарқлаш

Табиий бўёқлар олиш учун сувнинг яроқлилигини аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Бунинг учун энг оддий усуллардан бири хўжалик совунини ишлатиладиган сувда кўпиртириб кўришдир. Совун сувда яхши кўпириб, сувга мулойимлик баҳш этса, кўлдан ювилиши қийинроқ бўлса, демак, сув оби-тобида ва бўёқ ишларига деярли яроқли ҳисобланади. Совуннинг кўпириши қийин бўлиб, кўлдан осонлик билан ювилса, сув ҳали тобига етмаган бўлади. Уни жараёнга яхшилаб тайёрлаш керак. Бунинг учун бир нечта усуллардан фойдаланилади. Масалан, сувни олдиндан қайнатиб олиб, тиндириб, сузуб ишлатилиш ҳам яхши самара беради. Шунингдек, ҳар қандай сувни қайнатмасдан олдин тиндириб қўйиб, маълум муддатдан сўнг ишлатиш ҳам аҳамиятлидир.

Оддий иш шароитларида маҳсус идишларда сувни олдиндан олиб, тайёрлаб қўйишнинг имкони бўлмаслиги мумкин. Аммо, яхши натижага эришиш учун имкониятлар чегараланган ҳолатда, жараёнга кўпроқ вақт сарфланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Сувни яхшилаб қайнатиш, унга керакли ўринларда ишқорли кўшимчаларни қўшиш, ва албатта, сувнинг қандай манбадан олинганини эътиборга олиб, ишлатиш даркор. Жумладан, тармоқ сувлари таркибий жиҳатдан бўёқлар олиш учун кўпинча етарли даражада тайёр бўлмайди, чунки сув таркиби, асосан истеъмолга яроқли қилиш мақсадида ўзгартирилган бўлиши мумкин. Шу сабабдан, раризлиқда табиий манбалардан олиб ишлатиладиган сув кўп жиҳатдан мақсадга мувофиқ. Аммо тез оқар ариқларнинг сувларини ҳам бирданига ишлатиш ярамайди. Кўл, сув омборлари ва ишлаб чиқариш чиқиндилари ташланмайдиган ҳудудлардан олинган сув табиий бўёқлар тайёрлаш учун ҳар жиҳатдан мувофиқ таркибга эга бўлади.

Қадимги даврларда ҳар бир маҳалла ҳудудида маҳсус ҳовузлар қазилган. Аҳоли, асосан, ҳовуздаги сувдан истеъмол қилган ва бўёқлар тайёрлаш учун ҳам тиндирилган, сокин ва турғун ҳолатда сақланган сувлардан фойдаланишга эътибор қаратилган. Аммо ташландик ҳолатдаги ҳовузлардаги ҳамда кўлмаклардан ҳосил бўлган турғун сувлар бундай мақсадларда ишлатилмайди. Ҳар қандай шароитда ҳам бўёқ ишлари учун ишлатиладиган сувнинг сифатига аҳамият берилмаса, зарур натижаларга эришиш қийин бўлади. Демак, зарур иш анжомлари, иш ўринлари ҳамда кўшиладиган кўшимчаларнинг ҳам қўл остида бўлиши бўёқ ишларида зарур натижаларга эришиш омили саналади.

Ҳозирда кўплаб бўёқчилик устахоналари, асосан тармоқ сувларига қулай қилиб мослаштирилган бўлиб, бундай устахоналар зарур анжомлар ва қўшимчалар билан таъминланган. Шу сабабли, юқорида айтиб ўтилганидек, тармоқ сувини яроқли ҳолга келтириб фойдаланиш усталар учун энг масъулиятли ва муҳим вазифа. Бунда бироз кўпроқ вақт сарфланса-да, ишнинг самараси олдиндан зарур микдордаги сувни тўплаб олиб, уни эринмасдан бўёқ учун тайёрлашда намоён бўлади. Тўғри, индиго, рўян ва анор пўсти каби айрим хомашёлар учун тўғридан-тўғри олдиндан олиб, тиндириб кўйилган сувдан фойдаланиш мумкинлиги маълум. Бироқ, бошقا ўсимликлар хомашёсидан бўёқ олишда яхши натижага эришиш учун ишга кўпроқ эътибор бўлиш ва масъулият билан ёндошиш талаб этилади.

pH водород кўрсаткичи (лотинчада *Pondus Hydrogenii*) қоришмада водород ионларининг фаоллик меъёрини белгилаб, ишқорпилик даражасини кўрсатади. Бу даражада 1 дан 14 гача бўлиб, унда 1 энг эритувчан, 14 эса суст даражани англатади. Қуйидаги жадвалда айрим моддаларда pH мисоллари келтирилган:

Модда	pH
Кўргошинли аккумулятор кислотаси	0—1.0
Ошқозон ости бези зардоби	1.0—2.0
Лимон суви	$2.0 \pm 0.3$
Ошхона сиркаси	2.4
Кока-кола	$3.0 \pm 0.3$
Олма ёки апельсин шарбати	3.0
Томат шарбати	4.1
Кофе	5.0
Шампунь	5.5
Чой	5.5
Ёмғир суви	< 5.6
Сўлак	6.8—7.4
Сут	6.6-6.93
Тоза сув	7.0
Қон	7.36—7.44
Денгиз суви, тухум	8.0
Тиш пастаси	9.9
Қўл совуни	9.0—10.0
Нашатир спирти	11.5

Сувнинг нейтрал қовушқоқлик ёки эритувчанлик ҳолати, яъни pH даражаси 7 га тенг. Шунингучун бўяладиган хомашё қандай ҳолатдаги сувда яхши бўялишини олдиндан аниқлаб олиш катта аҳамиятга эга. Масалан, ипак ва жун хомашёси учун ўртacha қовушқоқлик даражалари ҳисобга олинса, пахта, зифир толаси сувнинг анчагина қовушқоқ бўлишини талаб қилади. Демак, бундай ҳолатда ишқорли қўшимчалар кўпроқ қўшилиши мумкин. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида кетма-кет ипак ва пахтадан тайёрланган хомашёларни бўяшга тўғри келиб қолганда, энг аввало, ўртacha қовушқоқликда бўяш мумкин бўлган хомашёни бўяб олиб, кейин юқори қовушқоқликни талаб қилувчи хомашёларга ўтилади. Шунингдек, табиий бўёқларнинг сувга қандай ҳолатда қўшилганлигига ҳам яхши аҳамият берилса, хатога йўл қўйилмайди. Кукун холидаги хомашё сувда яхши эриганлиги сабабли кўпинча вақтни тежашга ёрдам беради. Шунингдек, бўяладиган мато ёки толаларни ҳам бўяшдан олдин ишқорли ёки аччиқтошли сувда чайиб олиш даркор, улар нам ҳолатда бўлса, бўяш яхши самара беради.

PH кўрсаткич орқали сувнинг қай тарзда бўёқ ҳолига келтирилганини аниқлаймиз. Масалан, индиго ва рўян билан бўяшда pH даражаси 9-10 кўрсаткичда бўлиши, шу ранглар эритмасининг бўяш учун (ипак, жун ва ип) тайёр ҳолга келганлигини ифодалайди. Водопровод тармоғи ёки ариқдаги сувнинг pH даражасини 7 дан 9 ёки 10 даражага кўтариш учун каустик сода, истеъмол содаси ёки оҳак сувидан фойдаланиш мумкин.

Аксинча, қирмизи ранг олиш учун кошинель билан бўяшда pH даражаси 5 бўлиши жуда муҳим. Бунинг учун сув ҳарорати +25°C даражага етганида, унга ошхона сиркаси қўшиш орқали эришилади. Сувни иситиш давом эттирилади ва ҳарорат +80°C даражадан ўтиб кетмаслиги назорат қилиб турилади.

Аксарият ҳунарманд усталарнинг физика ва кимё соҳада етарли даражада билимга эга бўлмаганликлари сабабли, иш жараёнида маҳсус ўлчов мосламаларидан фойдаланиш жуда қўл келади.

Ранглашдан кейин бўялган ипак, жун, пахта ип ва газламаларни чайиш ёки ювишда сувнинг таркиби ўша бўяш жараёнида ишлатилганидек бўлиши керак. Акс ҳолда, ранглар ўзгариши мумкин. Идиш ювиш учун ишлатиладиган суюқлик (FAIRY) бўялган ашёларни чайқаш учун энг қулай восита бўлиши мумкин, чунки унинг таркибида нейтраллик хусусияти бор.

## Ипакни оқлаш. Ипак, жун ва пахта маҳсулотларини ранглашга тайёрлаш

**Ипакни оқлаш (пишириш).** Ҳунармандларга ипак хом ҳолатда келади, яъни таркибида серецин (ипак елими) моддаси мавжуд бўлади. Шунинг учун ипакни оқлаш, яъни ювиш керак. Ювилмаган ипакни ишлатиб бўлмайди. Мато тўқимачилигига фақат ипакни ювиш билан шуғулланадиган ҳунармандлар бор, улар ипакни ювиб берадилар (марғилонлик ҳунарманд бир кунда 80-100 кг ипакни ювиб тайёрлаб беради). Лекин гиламдўзлик ва каштачиликда бундай имконият йўқ. Сурхондарёнинг Бойсун туманида ҳунармандлар ипакни хом ҳолатда бозордан ёки ипак тайёрлаб сотадиган ҳунармандлардан харид қилиб, фўзапоя кулига кўмиб қўйишади ёки ишқорда қайнатиб ипакни ўзлари ювишади. Лекин, бошловчиларга ипакни ювиш қийинчилик туғдириши мумкин.

Ўзбекистонда 1950-йилларгача оҳорлаш (ювиш) учун табиий ишқордан фойдаланилган. Бунинг учун чўл ҳудудларида ўсадиган шўра ва қирқ бўғим ўсимлиги куйдирилиб, ҳосил бўлган кулдан ишқор сифатида фойдаланилган. Кулолчилиқда сопол буюмларга безак беришда ишқордан кенг фойдаланилади. Шу сабабли кулолчилик марказлари саналган Бухоро, Бойсун ва Риштон томонларда ишқорни топиш осонроқ. Табиий ишқорланган ипак рангни яхши олади ва ипакнинг ҳолати яхши сақланади. Ҳозирги пайтда ҳунармандларимиз жуда кўп миқдорда ипак ишлатишади. Шу сабабли ишқордан мунтазам фойдаланишнинг имконияти йўқ ва улар сунъий восита, яъни темир содаси (кальцинированная сода)дан фойдала-



Ипакни ювиш жараёни



Ипакни ювиш жараёни

нишади. Бу воситани топиш бошқа вилоятдаги ҳунармандлар учун муаммо ҳисоблангани туфайли ювиш учун хўжалик моллари дўконларида топиш мумкин бўлган каустик сода тавсия қилинади.

**Ипакни ювиш.** Бунинг учун сирланган қозон ёки зангламас идишлар зарур бўлади. Идиш 50 литрли бўлса, ипакдан 5 кг, темир содасидан 200 грамм, 70 грамм хўжалик совуни зарур бўлади. Идишга сув қуйиб, тагига олов ёқамиз. Сув исигач, совунни майдалаб соламиз, сув қайнагунча совун эриб кетиши зарур. Совун эриб, сувнинг ҳарорати 90-100 даражада иссиқликка етганида, темир содаси қўшиб, 5 дақиқадан кейин ипакни асталик билан қозонга солиб, таёқчалар ёрдамида кавлаб турамиз. 30 дақиқа қайнагандан кейин идишдан ипакларни сиқиб оламиз. Бошқа қозонда исиган, қайнашга яқин бўлган сувда чайқаймиз. Сўнгра ипак таёқчаларда икки киши ёрдамида яхшилаб қоқиб силкитиш керак. Қуригандан кейин ипакнинг ҳолати майин бўлса, демак, ипак яхши ювилган бўлади, ипаклар бир-бирига ёпишган ҳолда турса, қайтадан сода ва совунли сувда ювамиз.

**Ипак, жун ва пахта ипни ранглашга тайёрлаш.** Уларни табиий рангларда бўяш учун олдин маҳсулотни аччиқтошда ( $KaL(SO_3)_4$ ) қайнатиб олиш жуда ҳам муҳим ҳисобланади. 1 кг маҳсулотни қайнатиш учун 250-300 грамм аччиқтош зарур бўлади. Аччиқтошни Ўзбекистоннинг ҳамма бозорларидан топиш мумкин. Аччиқтош юртимизга Эрон, Россия, Хитой ва бошқа давлатлардан импорт қилинади. Ўзбекистонда аччиқтошдан, асосан, касалликларни даволашда ва ичимлик сувини қайта ишлаш корхоналарида сувни тозалаш мақсадида фойдаланилади.

**Эслатма.** Бир кун олдин аччиқтош ҳовонча (кели)да майдаланиб, кукун ҳолатида кичик идишда қайнатиб, эритиб олинса мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай эритмада қайнатилган маҳсулот рангни ўзига яхшироқ сингдиради.

Юқорида эслатилган эритма (аччиқтош)ни 50 литрли катта идишга қуйиб, тагига олов ёқилади, ҳарорат 100 даражага олиб чиқилади. Ипак ёки ип (хўлланган ҳолатда) асталик билан қозонга солинади ва кавлаб туриллади. Идишдаги маҳсулот 30-45 дақиқа мобайнида юқори ҳароратда



Аччиқтош

қайнатилади. Сўнгра совутилиб сақлаш учун полиэтилен халтачаларга солиб қўйилади, бунда халтачаларнинг оғзи маҳкам беркилганига эътибор қаратиш керак ҳамда салқин ва қоронғи хонада 6-8 кун сақлаш лозим.



Эритилган аччиқтошни қозонга қўйиш



Ипакли кашакни аччиқтошда пишириш



Ипакли калавани аччиқтошда пишириш

## Сариқ ранг тайёрлаш

Сариқ ранг мато тўқимачилигида алоҳида қадрланади, у рангларнинг бошидир. Ушбу ранг каштачилик ва гиламдўзликда ҳам муҳим ўрин тутади. Сариқ ранг оч сариқ, ўртacha тусдаги, тўқ сариқ ва олтин тусда бўлади. Табиий ўсимликлардан жуда кўп тусдаги сариқ ранглар олиш мумкин. Мисол учун, буғдой сомонидан ва паловга қўшиладиган зиравор – зарчўвадан кўпроқ микдорда ишлатилса, тўқ сариқ ранг олиш мумкин. Қадимда Марғилон ҳунармандлари тол, тут ва арча дараҳтларининг танасида бўладиган замбуруғни кўчириб олиб, қайнатиш орқали сариқ ранг олганлар.

Лекин зарчўва ва сомондан олинадиган ранглар офтобга, яъни ёруғликка чидамсиздир. Шу сабабли, бу усул тавсия қилинмайди. Дараҳтлардаги замбуруғлардан олинадиган ранглар ҳам тўғри келади, лекин топилиши осон бўлган пиёз ва анор пўчоқларини асос сифатида қўллаб, унга дараҳт баргларини қўшиш орқали ёрқин ва жонли сариқ ранг олишни маъқул кўрамиз. Япон сакурасининг гулларини йилнинг июль ва август ойларида териб олиб, қайнатиш орқали ҳам сариқ ранг олиш мумкин.

**Пиёз.** Пиёз бутун Ер курраси бўйлаб кенг тарқалган сабзавот бўлиб, унинг қизил нави бўёқчилиқда кенг қўлланилади. Маълумотларга қараганда, пиёз 3000 йилдан зиёд вақтдан бери одамзодга маълум экан. Дехқонлар пиёздан йилига икки марта ҳосил оладилар. Қизил пиёзниңг пўстлоги ҳар қанча тўқ рангда бўлмасин, барибир бўяш учун ундан жуда кўп



Пиёз пўчогини тарозида тортиш



Пиёз пўчогидан олинган сариқ рангда бўяш

миқдорда керак бўлади. Шаҳар бозорларида чиқинди сифатида кўплаб миқдорда ташлаб юборилган пиёз пўстини истаганча топиш мумкин. Пиёзнинг ўзидан оч қизғиши ранг олиниади. Анъанавий ҳунармандчиликда бундай рангдан фақат гиламдўзликда фойдаланилади. Пиёзга, асосан бошқа қўшимчалар қўшиш орқали тўқ сариқ ранг ёки рўян қўшиш билан қизғиши тусли тўқ сариқ ранг олиш мумкин.

**Анор.** Анор меваси ширин ҳамда ширали бўлиб, у шифобаҳш хусусиятга эга. Халқ табобатида унинг пўстлоғидан кенг фойдаланилади. Бундан ташқари, дарахтнинг ўзи, айниқса, гуллагандан чиройли кўринишга эга бўлади. Анор дарахти иқлими иссиқ мамлакатларда ўсиб, асосан Жанубий Европа, Ямайка ороллари, Ўрта Шарқ, Жанубий-Шарқий Осиё ва Шимолий Африка давлатларида учрайди. Анор Марказий Осиё халқларига хос амалий санъат турларининг барчасида ҳосилдорлик рамзи сифатида ишлатилган. Пишган анор меваси сариқ ранг беради. Унинг пўстлоғи эса рангни тўқартириш ва кескин қилиш хусусиятига эга. Анор пўстлоғи, бўёқчиликда қўшимча бирикма сифатида ишлатилади. Тўқ ранг олиш учун жуда кўп миқдорда, масалан, 1 кг массани бўяш учун 5-6 кг анор пўстлоғи зарур бўлади. Анор пўчогини камроқ ишлатиш учун ачитиш усулидан фойдаланилади. Шунда 5-6 кг пўчоқ ўрнига 1,5 кг ачитилган анор доначалари сарфланади. Самараси ҳам яхши бўлади. Чунки ачитилган анор тўқроқ ранг беради. Анор пўстини қуритиш учун уни иссиқ ва қуруқ жойда сақлаш, қуригандан кейин майдада бўлакчаларга бўлиб, кейин пластик қопларга жойлаган ҳолда қуруқ жойда асраш тавсия



Қуритилган анор пўчоги



Анор пўчоқда рангланган ипак



Анор дарахти

этилади. Пўсти юпқа анор пўсти қалининга нисбатан яхшироқ ранг чиқарди.

**Бўяш** (сариқ ранг олиш). 1 кг ипак ёки жунни бўяш учун мис қозонга ёки сирли идишга 20 литр сув қўйилади. 600 грамм пиёз пўчоғи ва 250 грамм анор пўчоғи ювилиб, ҳовончада майдаланиб, элакдан ўтказиб солинади. Тагига паст олов ёқилиб, 1 соат давомида +45°C даражадан юқори бўлмаган ҳароратда кавлаб турилади. Анор ва пиёз пўчоқларидан ўзига хос ранг ажраб чиқади. Сўнгра аччиқтошда пиширилган маҳсулот (ипак ёки жун) қозонга солиниб, 50 дақиқа давомида рангланади. Сув ҳарорати +70,80°C даражага етиши керак. Пахта ип ёки зифир толаси бўялганида, пиёз пўчоғининг миқдори 1 кг, анор пўчоғи 300 грамм бўлади. Бўялиш тартиби юқорида қайд этилганидек бўлади.

Рангланаётган иплар маҳсус таёқчалар билан кавлаб турилади. Иплар бир кечада эрталабгача қозонда қолдирилади. Бир ҳафта соя жойда қуритилади. Қуриган иплар хўжалик совуни ва шампунда 3-4 маротаба чайилади.

**Тилла тусдаги сариқ ранг олиш.** 1 кг ипак ёки жунни бўяш учун олма барги, тут барги, узум барги, пиёз пўчоғи ва анор пўчоғи керак бўлади. Баргларнинг ҳар биридан 200 грамм олиниб, сувда яхшилаб чайилиб, 20 литр сув қўйилган мис қозон ёки сирли идишга солинади. 250 граммли аччиқтошли сувда пишган ипак ёки жун ўрамларни баргли аралашмага соламиз. +70,75°C даражагача бўлган ҳароратда тутиб турилади. Икки соатча паст оловда ранглаш давом эттирилади. Рангланаётган иплар маҳсус таёқчалар воситасида кавлаб турилади. Олов ўчирилгандан кейин



Анор пўчоғидан олинган сариқ рангда бўяш

## Қизил ранг тайёрлаш

Қадимда турк қабилаларининг мато ва нақшларида қизил ранг кўп қўлланилган. Бу бир томондан, қизил ранг берувчи воситаларнинг сероблиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, ўша пайтда турк халқарининг ҳаёт тарзи ва руҳиятида қизил ранг жўшқинлик ва қувватни ифодаловчи асосий рамзлардан бири ҳисобланган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, рўян – (*Rubia tinctorum*) қизил ранг берувчи ўсимлиқ саналиб, мамлакатимизда ҳам у жуда кенг тарқалган.

**Рўян.** Марказий Осиё ҳудудида табиий ҳолда ўсадиган ўсимлиқ. У Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида кўп учрайди. Рўян ҳосилдор, серсув ва куёш нури яхши тушадиган ерларда уруғидан кўпаяди. Рўянни экиб кўпайтиришга эрта баҳорда киришган маъқул. Рўян кўчати қишининг сўнгги кунларида 4 см чукурликка экилади. Ўз-ўзича ўсаверади, ортиқча эътибор талаб қилмайди. Ҳар уч йилда куз ёки баҳорда ўсимлиқ томирлари қазиб олинади. Пишган уруғи кейинги мавсумда экиш учун сақланади. Қазиб олинган томирлар тупроқдан тозаланиб, сариқ ёки жигарранг илдизчалири кесиб ташланади. Кейин майда бўлакчаларга бўлиниб, ёйилган ҳолатда бўёққа ишлатилса, қуюқ ранг чиқади. Қуритилган рўян томирлари қофоз қопларда салқин қуруқ жойларда сақланади. Рўяндан қизилга яқинроқ тўқ сариқ тусли – зарғалдоқ ранг олинади. Асосан рўяннинг ўзидан ёки мози ўсимлиги аралаштириб олинадиган қизил ранг гиламдўзлик ва каштачиликда қўлланилади.

**Бўяш.** 1 кг ипак ёки жунни ранглашда ҳовончада янчилган 700 грамм рўян мис



Қуритилган рўян томирлари



Рўян томирларида бўялган жун ип



Бўёқлаш

қозонга 15 литр сувга бир кун аввал солиб ивитиб қўйилади. Ивиган рўяндан тўлиқ ва ёрқин ранг ажralиб чиқади. Эртасига қозон аста-секин қиздирилади. Ҳарорат  $+35,+40^{\circ}\text{C}$  даражага етганда, қозонга аччиқтошда пиширилган ипак ёки жун ўрамлар солинади. Кейин ҳароратни  $+60,+70^{\circ}\text{C}$  даражага етказиш керак. Паст оловда икки соатча қиздирилгандан кейин, олов ўчирилади. Шу ҳолатда эрталабгача қолдирилади. Сўнгра икки киши маҳсус таёқчалар билан силкитиб қоқади. Рангланган ипак ёки жун ўрамлар 7-10 кунгача соя жойда ёки қоронги хонада қуритилади. Сўнгра қуритилган ипак ёки жун ўрамлар 3-4 маротаба яхшилаб тоза сувда шампунь ёки совун билан ювилади. Пахта ёки зигир толасидан тайёрланган иплар бўялганда, 800 грамм рўян ишлатилади ҳамда юқоридаги тартибда бўялади. Сувнинг ҳароратини  $+75,+80^{\circ}\text{C}$  даражага олиб чиқиш талаб этилади.

### **Рўянга қўшиладиган қўшимчалар**

**Мози.** Чиройли ёрқин қизил ранг олиш учун рўянга жавзу-мавзу солиш керак. Жавзу-мавзу ёки мози ўзи нима? Мози мўътадил ва тропик иқлимли мамлакатларнинг тоғли жойларида тарқалган, узоқ яшайдиган бўйи 60 см.гача етадиган бутасимон ўсимлик. Табиий шароитда ўсанда, меваси йилнинг турли вақтида терилади. Унинг баргидан, новдасидан жигарранг ва кулранг тус берувчи воситалар олиш мумкин. Бўёқчилар мозидан рангни кучайтириш мақсадида фойдаланишади. Унинг ўзидан ранг олинмайди. Асосан, Покистондан келтирилади. Бозорлардан килолаб сотиб олиш мумкин.

**Бўяш.** 1 кг ипак ёки жунни ранглаш учун ҳовончада янчилиб, элақдан



*Мози*



*Бўёқлаш*



*Бўёқдан чиққан ипак*

ўтказилган 250-300 грамм рўян, 100 грамм мози олиниб, алоҳида-алоҳида 3 литрли шиша банкаларга бир кун аввал ивитиб қўйилади. Мис қозон ёки сирли идишга 10 литр сув қўйилиб, тагига олов ёқилади. Кейин шиша идишлардаги ивтилган рўян ва мози солинади. Сувнинг иссиқлик даражаси 35-40 даражага етганида, аччиқтош қайнатмасида пиширилган ипак ёки жунли ип ўрамлари солинади. Ўрамлар 70-75 даражага ҳароратда бир соат давомида рангланади. Вақти-вақти билан қозон маҳсус таёқчаларда кавлаб турилади. Сўнгра қозон ёки сирли идиш тагидаги олов ўчирилади. Ипак ёки жун иплар бир кечага қозонда эрталабга қадар қолдирилади. Кейин сиқиб олиниб, қоқиб бир ҳафта соя жойда куритилади. Куриган ипак ёки жун иплар 3-4 марта яхшилаб тоза сувда шампунь ёки совун билан чайилади. Пахта ёки зифир толали ипларни бўяшда 500 грамм рўян ва 150 грамм мози юқоридаги тартибда бўялади. Сувнинг ҳарорати 80-85 даражага олиб чиқилади.

**Кошинель.** Бўёқлаш учун қўшимча унсурлардан яна бири кошинель доначаларидир. Қадимги Туркистон хунармандлари қизил ранг олиш учун кошинелдан кенг фойдаланганлар. Кошинель қуритилган майдага ҳашарот (қўнғиз) бўлиб, унинг илмий номи – *Dactylopius coccus*. Ҳашаротдан бўёқ олиш усули милоддан аввалги I асрда ёк Жанубий ва Шимолий Америка халқларига маълум бўлган. XVI асрда Америка қитъасидан Европага кириб келган. Ундан тўқ қизил ёки пушти ранг олиш мумкин. Ранг ҳашаротнинг урғочисидан олинади. Ҳозирда кошинель Жанубий Америка мамлакатлари, Канар ороллари ва Шимолий-Фарбий Африканинг соҳилларида ўсадиган ноксимон кактуслар тиконидан териб олинади. Уларни етиштиришга мослаштирилган маҳсус фермалар ҳам мавжуд. Ҳашаротни етиштириш ва йиғиб олиш мураккаб жараёндир. Қадимда “Буюк ипак йўли” орқали олиб келинган бўлса, ҳозирда бўёқчилар Перу, Америка ва Туркиядан маҳсус буюртма орқали харид қилишлари мумкин.



Кошинель доначалари



Майдаланган ҳолатдаги кошинель

Жуда ҳам қиммат хомашё бўлгани учун кошинелда бўяш харажати қиммат туради.

**Бўяш.** Биринчи усул. 1 кг ипак учун 50 грамм кошинель доначалари тарозида тортиб олиниб, кукун ҳолига келгунча майдаланади. Кичикроқ идишга 3 литр сув солиб яхшилаб қайнатилади. Қайнатиш жараёни суюқлик 1 литрга камайгунга қадар давом эттирилади. Сўнгра олов ўчирилиб каттароқ идишга сузиб олинади. Сузишда тўпланиб қолган қуюқ эритма яна кичикроқ идишда 3 литр сувда қайнатилади. Яна бир литри парланиб кетгач сузилади. Жараён қайта-қайта тақорланади. Бешинчи қайнатишда қуюқ эритмадан ранг чиқиши камаяди ёки олтинчи қайнатишда қолган куйқа ташлаб юборилади.

Сўнгра катта идишга тўпланган кошинель эритмаси оловга қўйилиб, қайнагунга қадар кутилади. Юқорида қайд этилган услубларда қайнатиш усули кам тавсия қилинган бўлса, кошинелда бўяшда, албатта қайнатиш зарур. Кошинель қайнаб бўлгандан кейин, албатта аччиқтошда пиширилган ипак ёки жун солинади. Узоқ қайнатиш зарар қилмайди. Вақти-вақти билан маҳсус таёқчаларда кавлаб турилади. Икки соатча қайнаганидан сўнг сувда



Бўёқлаш жараёни



Кошинелда бўёқланган жун иплар

ранг қолмайди. Олов ўчирилиб, эртасига маҳсулот идишдан олиниб чайилади.

**Иккинчи усул.** Ҳовончада янчилиб, элақдан ўтказилган 250 грамм рўян ва 50 грамм кошинель доначалари алоҳида, 100 грамм мози алоҳида уч литрли шиша банкага солиниб, бир кун аввал ивитиб қўйилади. Эртасига мис қозон ёки сирли идишга 10 литр сув қўйиб, тагига олов ёқилади. Сувнинг иссиқлик даражаси 30-35 га етганда, аччиқтош қайнатмасида ивитилган ипак ёки жун иплар қозонга солинади. 40 дақиқа давомида 70-75 даражада иссиқликда ушлаб турилади. Кейин олов ўчирилиб, эрталабгача қозонда

сақланади. Эрталаб юқоридаги услублар каби бир ҳафта соя жойда ёки қоронғида құритилиб, шампунь ёки совунда 3-4 марта чайқалади. Пахта или ёки зигир толаси учун 450 грамм рүян, 50 грамм кошинель доначалари ва 150 грамм мозидан фойдаланилган ҳолда, юқоридаги тартибда, 75-80 даража иссиқ ҳароратда бўялади.

**Учинчи усул.** 50 грамм кошинель доначалари кофе майдалагичда майдаланади, мози ҳам шу миқдорда (50 грамм) майдаланиб, иккаласи аралаштирилиб 50 литрли идишга 20 литр сув қуйиб, бир кун аввал ивитиб қўйилади. Эртасига идишнинг тагига олов ёқилиб, 1,5 соат давомида 80°C даража иссиқликда ушлаб турамиз. Сўнг 1 кг миқдордаги ипакни қозонга 1 соатга солиб қўямиз. Сўнгра олов ўчирилиб эртагача қолдирилади. Эртасига ипаклар сикиб олиниб чайқалади.

**Лак.** Лак, қўнғизчалардан фарқли ўлароқ, канасимон ҳашаротдир. Унинг *Kerria Jaccsa* тури кенг тарқалган. Кошинель кактус танасида кўпайса, лак Кусум ва бошқа дараҳт танасига тухум қўйиш орқали кўпаяди ва дараҳт танасидан озиқланади. Бу ҳашаротни етиштириш Ҳиндистон, Бангладеш, Вьетнам, Таиланд, Хитой ва Мексикада кенг тарқалган. Агар кошинель етиштириш бўйича жаҳонда Перу етакчилик қилса, лакни бутун дунёга, асосан Ҳиндистон етказиб беради.

Қадимда Шарқий Осиё халқлари табобатида лак жигар касалликлари ва семиришга қарши восита сифатида қўлланилган. Ҳиндистонда буёқчилик ва косметика соҳасида, Хитойда эса тери саноатида бекиёс аҳамият касб этган. Тўқимачиликда унинг ўрнини синтетик ранглар эгаллаган бўлишига қарамай, озиқ-овқат, медицина ва косметика саноатида ундан фойдаланиш бугунги кунда яхши йўлга қўйилган. Мебель ва бошқа ёғоч буюмларни пардозлашда ишлатиладиган лак ҳам шундан олинган. Шу кунга қадар ундан пардозлашда самарали қўлланилмоқда. У тўқимачиликда табиий қирмизи, пушти ва бошқа қизил ранг палитраларини олишда кошинель ўрнини бемалол боса олуучи бўёқдир. Нарх жиҳатидан кошинелдан 2-3 баробар арzonлиги бўяш жараёни ва маҳсулот таннархининг арzon бўлишилгини таъминлайди. Унинг туйилган тайёр ҳолдаги кукунини ишлатиш жуда ҳам осон ва қулай.

**Бўяш.** Кошинель ёрдамида бўяшнинг юқорида қайд этилган учала усулини лак учун ҳам бемалол қўллаш мумкин. Фақат кошинель ўрнига худди шу миқдорда лак ишлатилса бас, қолган меъёр ва жараёнлар ҳеч ўзгармайди.

## Кўк ва зангори ранг тайёрлаш

**Индиго** (нил). Индиго нафис кўк, мовий ранг бериш хусусияти бор ўсимлик, у бўёқчилиқда энг кўп қўлланилади. Ватани – Шимолий Ҳиндистон. Ёзи узоқ давом этадиган, иссиқ иқлимли ерларда экилади. Ҳозир ҳам ушбу мамлакатда мазкур ўсимлик катта-катта майдонларда етиширилади ва дунёнинг қатор мамлакатларига экспорт қилинади. Шу пайтгача ҳеч ким Марказий Осиёда бу ўсимликни саноат учун экиб кўрмаган эди. Чунки уни бу ўлкада етишириб бўлмайди, деган фикр илгари сурилган. Индиго қадимдан ўлкамизга “Буюк ипак йўли” орқали келтирилиб, бўёқчилиқда ишлатилган. Бу борада азал-азалдан турли элатлар турлича услубларни қўллаганлар. Бухорода иссиқлик билан бўяш ислом динини қабул қилган яхудийлар тарафидан амалга оширилган. Ваҳоланки, бир пайтнинг ўзида индигодан фойдаланган ҳолда совуқ усулда бўяшни ҳам фақат яхудийлар ишлатганлар. Марғилонлик усталар Шарифжон ота Ҳасанов ва Абдупатто Абдуғаниевларнинг хотирлашларича, 1950-йилларгача Марғилондаги устахоналарда тўқишига тайёрлаш ва бўёқчилик соҳасида қисман яхудий усталар ишлаганлар, аёлларимиз севиб киядиган яхудий нусха атлас уларнинг ҳиссалари, ижодий ғоялари асосида яратилгани бунга яқол мисол бўла олади.

Этнограф олима Жанет Ҳарвейнинг “Марказий Осиё анъанавий тўқимачилиги” китобида хумларда сақланган бўёқлар ҳақида маълумот берилади. Хумга индиго кукуни, ўн пақир совуқ сув, темир қириндиси ва қуритилган тут меваси солинган ва хум кўмиб қўйилган. Ранглар ўрта ҳисобда 12-14 та хумда тайёрланган, маълум муддат ўтгач, хумдаги тайёр бўлган рангдан фойдаланилган.

Хумдаги ранг фойдаланишга тайёр бўлган-бўлмаганини аниқлаш учун ивитилган мато ёки ипак хумнинг ичига солиниб, бироздан кейин хумдан олинган. Ҳозир ҳам амалда қўлланиладиган усулда очиқ ҳавода кўк ранг чиққунча ишқаланган. Агар кутилганидек ранг чиқмаса, жараён такрорланган. Хумлардаги аралашмага солинган индигонинг таъсири, кучи турлича бўлган. Оби-тобига етмаган рангларни тайёр ҳолга келтириш учун хумларнинг оғзи маҳкамланиб, ҳаво кирмайдиган қилинган.

Ўша вақтларда туркман қабилалари индиго билан бўяшда ўзига хос услуг ишлатганлар. Сув тўлдирилган хумга индиго кукуни солиниб, бир ҳовуч хамиртуруш, қўй ёки молнинг иликли суяги қўшилган. Кейин хумдаги аралашма қайнаб чиққач, унга ивитилган мато ёки ипак солинган. Яна бир қайнатиб олиниб, олови ўчирилгач, 14 кунгача қуёш нури тушадиган жойда усти ёпиқ ҳолда қолдирилган. Вақти-соати етгач, очиб кўрилганда, мато ёки

ипакнинг ранги кўнгилдагидек бўлмаса, яна қайтадан индиго, хамиртуруш ва иликли суяқ солиб рангланган.

Марғилонда эркаклар турли маросим ва байрамларда беқасам тўн киядилар. Беқасам мато тўқиши учун иплар хумларда бўялади. Шунинг учун бу матони кўпинча халқ тилида хумли беқасам дейишади. Беқасам тўн матоси нил (индиго)дан олинган икки хил ранг кўк ва зангори рангларда бўялган.

Маълумотларга кўра, ҳиндистонлик усталар ҳам худди шунга ўхшаш услубдан фойдаланган ҳолда ишлашган. Бўйин қисмигача эчки тезагига кўмилган хумга индиго барглари, оз миқдорда сув, сўндирилган оҳак ва хурмо меваси солиниб, усти ёпиб кўйилган. Вақт ўтиши билан индиго барглари эриб, қуюқ бўёқ ҳосил бўлади. Бўёқнинг тобини аниқлаш учун унга 20 дақиқа вақтга фақат бир дона шарф солиб кўйилади. Шарф олиб чайилганда, у жуда ҳам тўқ кўк тусга кирганлиги маълум бўлади. Демак, рисоладагидек, кучли ранг ҳосил бўлган. Бўёқнинг кучини олиб кўймаслик учун усталар, одатда, бир кунда фақат бир дона шарф бўяшган.

2005-2006 йилларда ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ташаббуси билан биология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Эргашев раҳбарлигида “Ўзиндиго” лойиҳаси амалга оширилди. Индигофера ўсимлиги Оролбўй минтақасида – Қорақалпоғистон ва Хоразмда етиширилиб, унинг биомассасидан бўёқ олиш технологияси яратилди. Индиго йилда бир-икки марта ҳосил бериши мумкин. Баҳор фаслида экин экиш мавсуми бошлангач, индигонинг уруғи экишдан бир кун олдин сувга ивитиб кўйилади, кейин 4 см чукурликка экилади. Кўчатни кўчиришда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Индиго унумдор, серсув тупроқ ва қўёш яхши тушадиган жойда ўсади. Ёз охирларида гуллайди, ана шу гуллаган пайтида ўсимликнинг юза қисмидаги барглари териб олинади. Пастдаги барглар эса орадан икки ҳафта ўтгач териб олинса, мақсадга мувофиқ.



Ўзбекистон шароитида ўстирилган индиго ўсимлиги



Индиго ўсимлигини табиий куритиши жараёни

Индигонинг яна бир бошқа тури – Япон индигосининг янги баргларидан ҳам ранг олинади. Японларнинг услугига кўра, янги барглар майдаланиб, қозонга солинади, устидан совуқ сув қуйилиб, қозон аста-секин қиздирилади. Қозонга солинган ипак ёки ип ўрамлари 35-40 даражага иссиқ ҳароратда бир соат мобайнида ушлаб турилади. Бунда ҳароратнинг бир меъёрда бўлиши жуда муҳим. Ўрамлар сиқиб олингандан кейин очиқ ҳавода ишқаланади, орасига ҳаво киргани сайин ранг тўқлашиб боради. Бироқ, бу усул бизнинг шароитда амалда ҳали синаб кўрилмаган.

Индиго ўсимлигининг биомассаси олингандан кейин (35-40 тонна биомассадан 100-110 кг индиго пастаси ажратиб олинади), қуритилиб тўрли матога солинади. Кейин елим идишларга солиниб, ҳарорати 77 даражалик иссиқ сув қуйилиб, компрессорда ҳаво берилади. Шундан сўнг уни таёклар ёрдамида бироз эзиш керак. Қуриган баргдан ранг ажралиб чиқади. Ажратилган ранг воронкасимон идишларга қуийлади, соя жойга қўйилганда, ранг идиш тубига чўқади. Ажраб қолган сув тез фурсатда шприцлар воситасида тортиб олинади. Идиш тубида қолган аралашма паст оловда буғлатилса, рангнинг асл ҳажми қолади.

Тайёр индиго кукунидан қандай фойдаланамиз? Биринчи навбатда индигони ачитиш орқали ранг оламиз. Бунинг учун камидা бир ҳафталик тайёргарлик керак. 50 литрли идишга 30 литр сув қуиб, унга 60 грамм индиго кукуни, 60 грамм рўян кукуни, 250 грамм кир ювиш учун зарур бўлган сода ва ачитиш учун 100 грамм буғдой кепаги ёки 30 грамм хамиртуруш зарур бўлади. Ҳаммаси идишга солиниб аралаштирилади. Идиш оғзи маҳкамланиб, устахонанинг бурчагига қўйилади. Устахонадаги ҳарорат хамир кўпириши учун зарур бўлган 37-39 даражага етказилади. Ёруғлик тушмайдиган жойда сақланади. Хўш, ачитилган индиго бўёғининг тайёр бўлганини қандай биламиз?

а) Сув юзаси худди ёғ томчиси тушгандай ялтираб турса;



*Куритилган индиго ўсимлигидан ранг ажратиши жараёни*

б) Сув оч зангори рангга кирса;

в) Қофоз ёки озгина ипак солиб кўрилганда, сув ичида оч зангори кўринса-ю, очиқ ҳавода кўк тусда бўлса.

Демак, юқоридаги ҳолатлар тасдиқланса, бўёқ тайёр ҳолга келган бўлади. Ипакни аста-секин солиб, индиголи сувга ботирамиз, кейин яна оҳиста олиб сиқамиз. Ипак оч зангори тусда бўлади ва идишдан ташқарига олиб ишқаласак, кўк рангга киради. Ипак ишқаланган сари тўқлашиб боради. Кўнгилдагидек чиқмаса, жараён тақрорланади.

Бўёқлашдан кейин ачитилган индиго бўёғини ташлаб юбормасдан, устидан юқорида қайд этилган микдорда индиго, рўян кукуни, сода ва кепак солинади ҳамда устахонанинг сояли жойига яна қайтадан қўйилади. Фақат ҳар куни идишнинг оғзи очилиб, бир марта оҳиста кавлаб қўйилади. Ҳиндистонда юз йиллардан бери сақланаётган шундай маҳсус ачитқилар борки, улар эскирган сари яхшироқ, тўқроқ тусдаги ранг беради.

Бундан ташқари, сунъий йўл билан бўяш услуби ҳам бор. Бу усулга биз тезроқ бўяш зарурати туғилганда мурожаат қиласиз. Бунинг учун бизга ипакни ювиш учун зарур бўладиган ишқор кукуни, индиго кукуни ва ачитишни тезлаштириб берувчи сунъий модда гидросульфит зарур бўлади.

**Бўяш.** 1 кг ипак ёки жунни бўяш учун бизга мис қозон, ишқор (қирқ бўғим ўсимлигининг кули), индиго кукуни ва ранг эритувчи гидросульфит керак бўлади.

Мис қозонга 15 литр сув қуямиз, унга 100 грамм ишқор солиб, қайнатиб оламиз. Қайнаганда ишқор эрийди. Совутиб, сув ҳароратини 30-35

даражага туширамиз. 1 кг ипак ёки жун учун тарозуда 25 грамм индиго ва 25 грамм гидросульфит тортиб оламиз. Аста-секин индигони қозонга солиб, яхшилаб аралаштирамиз, кейин гидросульфит солинади. Ҳамда pH даражасини 9-10 га олиб чиқиши мақсадида 50 грамм истеъмол содаси қўшилади. Аралашма таёқча



ёрдамида аралаштириб турилади. Ҳарорат +45,+50°C даражага етганда, аччиқтошда пишириб олинган ипак ёки жуннинг иккита калаваси қозонга солинади. Бир дақиқа давомида ботириб, сўнгра калаваларни қозондан олиб яхшилаб сикамиз. Ипак қозондан олинаётганда, оч зангори ранга бўлади. Қозондан олиб, очиқ ҳавода ишқалаб силкитилади. Калава қанчалик кўп ишқаланиб, орасига ҳаво кирса, ранг тўқлашиб боради. Кейинги калавалар ҳам худди шу тартибда бўялади. Фақат жараён ўзига хос равишда босқичма-босқич амалга оширилади. Дастрекки калава қозонда бир дақиқа турган бўлса, кейинги калава уч дақиқа, ундан кейинги-си беш дақиқа, навбатдагиси ундан-да узоқроқ ушлаб турилади. Бу усулда калаваларни бўяган маъқул, лекин тўқимачиликда ишлатиладиган кашаклар талаб даражасида бир хил ранга кириши учун қозонга бирданига солиниши керак. Ундей ҳолда қандай йўл тутмоқлозим?

**Биринчи услугуб.** Муайян миқдордаги ипак олиниб, унинг миқдоридан келиб чиқкан ҳолда, қозонга сув солинади. Ишқор, индиго ва гидросульфит ҳам ипак миқдорига қараб солинади. Ҳарорат 40-45 даражага етганда, ипакнинг ҳаммаси бирданига солинади. Кашак қозонда 20 дақиқача тургач, сиқиб олинади. Ишқалаш ва силкитишга 4-5 киши керак бўлади.

**Иккинчи услугуб.** Ишқор бир кун олдин 15



Сариқ рангли ип индиго бўёғига солинмоқда



Қизил рангли ип индиго бўёғига солинмоқда



Қора тусга кирган қизил рангли ип



Зангори тусга кирган сариқ рангли ип

литр сувга ивитиб тайёрлаб қўйилади. Эртасига ишқор қозонга солиниб, тагига олов ёқилади. Сўнгра, аввал 20 грамм индиго солиб яхшилаб аралаштирамиз, гидросульфит солиб ҳам аралаштириб юборамиз. Ҳарорат 30 даражага етганда, аралашмага сувда яхшилаб ивтилган мўлжалдаги ипак ёки жун солинади. Бунда ипак ёки жун аччиқтошда пишириб олинмайди. Қозондаги аралашма ҳароратини 50-60 даражадан ўтказмасдан, калава 30 дақиқага бостириб қўйилади. Сўнгра аста-секин сикиб олинниб, очиқ ҳавода ишқаб силкитилади. Юқорида кўрсатилган сувнинг иссиқлик даражаси ипак ва жун маҳсулотларини бўяш учундир. Агарда пахта ип ёки зигир толаси бўяладиган бўлса, сувнинг ҳарорати 30-35 даражада бўлиши керак. Индигодан бир вақтнинг ўзида уч хил ранг олиш мумкин. Агарда аралашмага оқ ипак солинса, кўк ранг, сариқ ипак солинса, зангори ранг, қизил ипак солинса, қора ёки тўқ сиёҳранг олиш мумкин. Ипакларнинг ранги оч ёки тўқлигига қараб, индиго ва гидросульфит миқдори камайтирилиши ёки бироз кўпайтирилиши мумкин. Бу маҳсулотларни турли миқдорларда ишлатиш орқали хилма-хил ранглар олиш мумкин.

**Эҳтиёт чоралари.** Индиго билан бўяш вақтида ҳар доим резина қўлқопдан фойдаланиш зарур. Сабаби, индигони эритиш учун гидросульфитдан фойдаланилади. Гидросульфит қўл терисига салбий таъсир кўрсатади. Астма касаллигига чалингланлар бурунларига ҳимоя воситаси тақишлиари зарур. Унинг ўткир ҳиди нафас йўлларига кириб, унга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Индиго кукуни ва гидросульфит ҳамма вақт қуруқ жойда сақланиши мақсадга мувофиқдир.



Бир бўёқдан олинадиган уч хил ранг

## Қора ранг тайёрлаш

Табиий равишда қора ранг олиш жараёни бошқаларига нисбатан мураккаброқ бўлиб, муайян бир ўсимлиқдан олинмайди. Қадимда усталар қора ранг олиш учун ипакни мози аралашмасида қайнатиб, сўнгра темир аралашмасида яна қайнатишган, лекин бунда мато тим қора тусга кирмагунча бўяш жараёни такрорланган. Бу эса ортиқча вақт ва куч талаб этиб, анча ноқулайлик туғдирган.

Читгарлиқда қора ранг тайёрлаш ҳам узоқ муддатни талаб қилган, бунинг устига ачитиш орқали ҳосил бўлган бўёқнинг ёқимсиз ҳиди бўёқчининг ишини янада мураккаблаштирган.

**Биринчи услуб.** Индиго билан ишлаш тўғрисидаги бобда таъкидланганидек, оқ эмас, қизил рангли ипакларни ёки матони индигода бўялса, қорага яқинроқ ранг (каптар бўйин ранг) олинади.

**Иккинчи услуб.** Темир ёки пўлат чархланганда учиб чиқадиган қириндininинг 150 граммига 250 грамм анор пўчоғи қўшилиб, қозонга 1 кг ип (ипак, жун ёки пахта) солинади. Бир ярим соат давомида ҳароратни 60 даражадан ўтказмай, яъни паст оловда тутиб, маҳсус таёқчаларда ковлаб турилади. Сўнгра олов ўчирилиб, бир кечада қолдирилади. Сиқиб олингач, бир ҳафталардан кейин чайилса, ипак тўқ кулранг тусга киради.

**Учинчи услуб.** 1 кг ип (ипак, жун ёки пахта)ни қора рангга бўяш учун 500 грамм зокни (зок – сут рангиданmallа рангга тортиб кетадиган ун ҳолатидаги табиий модда. Уни ҳозирда Афғонистон, Покистон ва Эрондан топиш мумкин. Хунармандлар ундан терини қора рангга бўяшда фойдаланишади.) 15 литрли мис қозон ёки сирланган идишга солиб, сувда қайнатиб олинади. Яхшилаб қайнатиб олингандан кейин совутилади. (Ипак ҳеч қачон қайнаётган суюқликка солинмайди, бу ипакни яроқсиз қилиб қўйиши мумкин). Идишдаги суюқлик илиқ ҳолатга келгандан кейин унга ипак, пахта ип ёки жун толалар яхшилаб ботириб солиб қўйилади. Икки соатдан кейин ипак олиниб, бошқа идишга, яъни 500 грамм анор пўсти солиб қайнатилган суюқликка солинади. Ипак қуюқ қора рангга киради. Агарда юқорида қайд этилганидек натижа чиқмаса, ишлатилган зок намда туриб қолган ёки муддати ўтган бўлиши мумкин. Унда зокни бирор кўпроқ миқдорда солиб кўрилади ҳамда юқоридаги бошқа қўшимчалар солинади.

Юқорида бир неча бор таъкидланганидек, рангланган иплар эрталабгача бир кечада қозондан қолдирилади. Сўнгра қозондан сиқиб олиниб, маҳсус таёқчаларда қоқиб-силкитилиб, ёруғлик тушмайдиган қоронгу жойда бир ҳафта қуритилади. Қуритилгандан сўнг хўжалик совуни ёки шампунли илиқ сувда 4-5 маротаба чайилади.

## Малла ранг тайёрлаш

Оч малла ёки түқ жигарранг ёнғоқ мевасининг пўстидан олинади. Бу усул қадимда анъанавий каштачилик ва гиламдўзлиқда кенг қўлланилиб келинган. Тўқимачиликда умуман қўлланилмаган десак ҳам бўлади. Аммо ҳозирги замонавий тўқимачилик саноатида мазкур технологиядан унумли фойдаланиш йўлга кўйилган.

**Ёнғоқ.** Осиё, шу жумладан Марказий Осиё, Европа ва Шимолий Америкада ўсади. Бир неча асрлардан бери ёнғоқнинг барги ва мевасининг пўстлоги сариқ ҳамда жигарранг тус бериш учун ишлатиб келинади. Меваси кузда пишади. Ёнғоқ пўстлоги янти (хўл) ёки қуритилган ҳолатда ишлатилиши мумкин. Ёнғоқни ерга тушганида терилгани маъқул. Чунки ерга тўқилганидан тезроқ ранг чиқади. Ёнғоқни ачитиш орқали ҳам тўқ ранг олиш мумкин. Маҳаллий ҳунармандлар ёнғоқ дарахти янги мева тукканида, яъни у ҳали қаттиқлашмай туриб, 100 литрли идишларга ёнғоқ ғўраларини солиб қўядилар. Узоқ муддат сақланса, ёнғоқ меваси сувда эриб, атала ҳолатига келади. Ана шу эритмадан 5 литр олиниб, 200 литр сув солинган қозонларда қайнатилади, сўнгра ипак эритмага солинади. Бунда тўқ жигарранг бўёқ олиш мумкин. Бундан-да осонроқ усуулларда ҳам бўяш мумкин.

**Бўяш.** 1 кг ипак ёки жунни бўяш учун 500 грамм ёнғоқ пўчоги ювилиб, ҳовончада майдаланиб туйилади, элақдан ўтказилиб 15 литр сув қўйилган мис қозон ёки сирли идишга солинади. Тагига олов ёқилади. 30 дақиқалардан кейин 250 грамм аччиқтошда пиширилган ипак ёки жун толаси қозонга солинади. Икки соат давомида ҳарорат 100 даражага етгунча рангланади. Иплар рангланаётган пайтда маҳсус таёқчалар билан кавлаб туриш зарур. Олов ўчирилгандан кейин иплар эрталабга қадар қозонда сақланади.

Пахта ипларни ранглашда эса 500 грамм ёнғоқ пўчоги ювилиб, ҳовончада майдаланади, элақдан ўтказилиб 15 литр сув қўйилган мис қозон ёки сирли идишга солинади. Ранглаш ва сувнинг иссиқлиқ даражаси юқорида айтилган тартибда бўлади. Рангланиб эртасига қозондан олинган



Қуритилган ёнғоқ пўчоги

иплар сиқилиб, чайилмай бир ҳафта мобайнида ёруғлик тушмайдиган қоронғи хонада қуритилади. Қуритилган иплар кейин хўжалик совуни ёки шампунда 3-4 марта чайқалади.

### Малла ранг олишнинг яна бир усули шундай:

Занглаган эски темир буюмлар ва қизил пиёзнинг пўчоги биргалиқда қозонга солиниб, бир кеча ивитиб қўйилади. Эртасига тагига олов ёқилиб тўрт соат 100 даража ҳароратда қайнатиб олинади. Сўнгра совутилиб, аралашмадан темирлар ва пиёз пўчоқлари сузиб олинади. Кейин аччик тошга пиширилган ипак, жун ёки пахта иплар қозондаги аралашмага солинади. Сўнгра паст оловда ҳарорати 60-70 даража иссиқ бўлган сувда тутиб, маҳсус таёқчалар воситасида ковлаб турилади. 30 дақиқа ранглангач,



Ёнгоқ пўчогидан фойдаланган ҳолда бўяш жараёни. (Навоий вилоятининг Папанай қишлоғида ўтказилган семинар)



Бўялган жигарранг жун иплар  
(Навоий вилояти Папанай қишлоғида ўтказилган семинар қатнашчилари)



## Читгарлиқда табиий ранглар билан ишлаш

Матога гул босиш санъати, пахта етишириш ва түқимачилик саноати ривожланишга улгурган Марказий Осиё ҳудудига “Буюк ипак йўли” орқали кириб келган. Тошкентдаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи экспозицияларидан бир бўлак гулдор чит газлама ўрин олган бўлиб, у ўзида бир қатор нўхатчалардан ташкил топган нақшлар, ромб шаклидаги безакларни акс эттиради. Бу газлама Эски Термиз (Сурхондарё вилояти)даги археологик қазилмаларидан топилган бўлиб, X-XI асрларга тегишилдири.

Марказий Осиё халқлари азалдан читгарлик маҳсулотларни рўзгорда кенг ишлатишган. Кундалик уй-рўзғор буюмларига айланган чит матолар дастурхон ёки жойнамоз, парда ёки деворга осиб қўйиладиган безак мато кўринишида, кўрпа-ёстиқ, чойшаб, белбоғ, кийимларни ўраш учун ишлатиладиган бўйжомалар, шунингдек кийимкечак сифатида халқимиз майший ҳаётининг, қолаверса, этнографиясининг ажралмас қисмига айланган. Чит матоларга босилган, асосан, гул ва япроқлар шаклидаги безаклар неча замонлар ўтса ҳамки ўзгармай, тарих ва вақт синовларидан ўтиб, бизнинг кунларгача етиб келган. Соҳибқрон Амир Темурнинг умр йўлдоши Бибихонимга тегишли мақбарадан топилган чит матодаги шакл ва безаклар бунга яққол мисол бўла олади. Унда тасвиirlанган безаклар ўрганилганда, уларнинг ҳозирги читгарлик анъана ларига ҳамоҳанг кўп жиҳатлари кашф



Марғилонлик читгарлар (XIX аср охри)




Санкт-Петербургдаги Кунсткамера (айни пайтда Россия ФА хузуридаги Антропология ва этнография музейи) музейида сақланыётган ўзбек читгарлик санъати маҳсулотларидан намуналар

этилган.

Ўзбек читгарлиги ҳудудлар орасидаги айрим фарқларни ҳисобга олмагандан, ўзига хос умумий бадиий услугба эга. Мисол учун, Тошкент читгарларининг услубида, асосан яшил, сариқ, ва кўк рангларга мойиллик кучли. Маҳсулотни тайёрлаш жараёни ҳам бир мунча мураккаб ҳисобланади. Мана шу мураккаб жараёнлар ҳисобига чит матолар узоқ вақтгача ўз рангини йўқотмайди, бир неча йиллар мобайнинда ҳудди янгидек товланиб туради. Бугун читгарлик маҳсулотлари саналган гул босилган матоларда уч хил рангни кўриш мумкин: пушти асосда алоҳида таъкидланган тўқ-қизил ва қора ранглар. Қора ранг металл оксидидан, тўқ қизил ранг эса ализарин ва рўяндан тайёрланган. Одатда, қизил ранг илдизидан қизил бўёқ олинадиган сариқ гулли ўсимлик рўяндан тайёрланар, натижада, ажойиб тўқ қизил ранг вужудга келар эди. XX асрга келиб рўян ўсимлигидан тайёрланган бундай бўёқлар ўрнини ривожланган саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган ализарин бўёғи эгаллади.

Читгарлиқда қора ранг муҳим аҳамият касб этади. Қолипда дастлаб босиладиган гуллар қора рангда бўлади. Ранг тайёрлаш жараёни узоқ вақтни олади. Бунинг учун камида 150 литрли қозонга 1 литр пахта ёғи қўйилади. Қозон тагига олов ёқилади, овқатга ишлатиладиган оддий мosh (1 кг) туилиб, қиздирилган пахта ёғида қовурилади.

Унгача кичкина қозонда 1 кг ун сув билан паст оловда аралаштирилиб атала тайёрланади. Тайёр бўлган атала катта қозонга қўйилади. Сўнгра гул босишига тайёрлаб қўйилган матолар 75 литр миқдоридаги қайнаган суюқликка солинади. Энг асосийси, аралашмага темир қириндиси солинади. Қадимги усталар темир қириндисини пичноқ чархлайдиган устахоналардан олиб солишган. Бундай қириндилар чархлаш жараёнида ажралиб чиқади. Усталар яна занглаб кетган ташландиқ пўлат парчаларини ҳам темир қириндисига қўшиб қозонга ташлашади. Темир парчаларининг



Читгарлик қолиплари  
(XIX аср охири ва XX аср бошлари)



Читгарлик қолиплари  
(XIX аср охири ва XX аср бошлари)

ҳаммаси ҳам тўғри келмайди, енгилроқ пўлатдан фойдаланилгани маъқул. Бу аралашма ҳар куни икки соатдан қайнатилади.

Қора рангнинг етилганини қандай аниқлаш мумкин? Мози ва бужғун (писта дараҳтининг меваси) майдаланиб, яъни туилили алоҳида мис қозонда қайнатилади. Мато энли бўлса 15 грамм, энсиз бўлса 10 грамм кукун етарли бўлади.

Қайнатилиб, елим ва ғубордан холи қилинган матодан салфетка ўлчамида кичик бўлак қирқиб олинниб, мози ва бужғун қўшилган сувда яхшилаб мижигланади. Тайёр, деб ҳисобланган қора рангга чўпни тегизиб олиб, шу матога чизиб кўрилади, қора ранг матога чизилиб, кейин оқар сувда чайлганда ҳам ўчмасдан сақланиб қолса, демак қора рангимиз тайёр бўлган.

Қолип босишдан аввал қолиплар сифадиган жомга ўрик елимидан солиб, қайноқ қора рангдан қуйилади. Бир кун ўтгач, қайноқ мозили сувда мижигланган, сўнгра қуритиб дазмолланган матога елимли рангга тегизилган қолип босилади. Гул босилган мато оқар сувда чайллади ва сикиб олиб қуритилади.

Читгарликда сариқ ранг тухмак (Япон сакураси) дараҳтининг гулидан олинади. Дараҳт гуллари йилда фақат бир марта июль-август ойларида териб олинади.

**Бўяш.** 10 литр сувни 50 литрли қозонга солиб, тагига олов ёқиб



тұхмак дарахтидан терилған 4 кг гулни соламиз. Қайнашга келған, сариқ тусга кирған аралашмага 1 кг аччиқтошдан солиб әритамиз. 1,5-2 соат қайнаганидан сүнг қолип сиғадиган идишга аралашмани қуйиб ўрик елемини құшамиз. Елим билан аралашма қуюқ ҳолатта келади. Кейин сариқ рангни босиши учун мұжалланған қолип жомга ботирилиб, матога босилади. Агарда матода фақат қора ва сариқ ранг бўлишини хоҳласақ, сариқ ранг босилғандан кейин оқар сувда чайиб юборилса, матодаги ортиқча сариқ ранг ва елим чиқиб кетади. Ундан кейин илиқ сувда яна бир карра чайилиб, қуритиб дазмолланади.

Қадимдан читтар усталар сариқ босилған матони рўян ва мозидан тайёрланған қызил рангга солишган. Қызил рангга солинган матонинг сариқ ранг босилған жойларигина қызил тусга киради.

**Бўяш.** Ранглашдан бир кун аввал ҳовончада янчилиб элақдан ўтказилған 250-300 грамм рўян алоҳида, 100-125 грамм янчилған мози алоҳида идишларга ивитиб қўйилади. Мис қозон ёки сирли идишга 10 литр сув солиниб, тагига олов ёқилади. Кейин ивитилған рўян ва мози қозон ёки сирли идишга солинади. Сувнинг ҳарорати 35-40 даражага етганида, гул босилған мато қозонга солинади. Мато 70-75 даражада иссиқлиқда бир соатча рангланади. Вақти-вақти билан қозон маҳсус таёқча воситасида ковлаб турилади. Сўнгра қозон ёки сирли идиш тагидаги олов ўчирилади. Мато бир



**Ранглашда ишлатиладиган маҳсулотларнинг нархлар жадвали.  
(2014 йил ҳолатига)**

Бўяшга ишлатиладиган хомашё номи	Ички бозордаги нарх (сўм/кг)	Ташки бозордаги нархи (\$/1кг)	Қайси минтақадан топиш мумкин
Индиго кукуни	250000-350000	40-110	Ўзбекистон, Ҳиндистон, Покистон ва Америка
Гидросульфит кукуни	20000-35000	4-10	Ўзбекистон, Туркия, Эрон ва Россия
Ишқор (шўра ва қирқ бўғим ўсимлиги кули)	25000-30000	5-7	Ўзбекистон ва Афғонистон
Рўян томири	28000-40000	2-10	Ўзбекистон (Ургут ва Бойсун тоғлари), Афғонистон ва Эрон
Мози (жавзу мавзу)	30000-45000	3-6	Ўзбекистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон
Кошинель		100-180	Перу, Хитой ва АҚШ
Лак		40-60	Ҳиндистон, Вьетнам ва Хитой
Ёнгоқ пўчоги	3000-8000		Ўзбекистоннинг барча минтақаларидан
Анор пўчоги	3000-8000		Ўзбекистоннинг барча минтақаларидан
Пиёз пўчоги	Бепул		Ўзбекистоннинг барча минтақаларидан



**Editors:**

*Sayidafzal Mallakhanov* – Senior expert, National Commission of the Republic of Uzbekistan for UNESCO

*Saida Azimova* – Senior expert, National Commission of the Republic of Uzbekistan for UNESCO

*Elbek Saidov* – Senior expert, National Commission of the Republic of Uzbekistan for UNESCO

This manual was published in the framework of the joint project “Training programs on reviving traditional technologies for natural dyeing: textile and yarns”, carried out by the Korean National Commission for UNESCO and the National Commission of the Republic of Uzbekistan for UNESCO

**Co-organizers:**

Korean National Commission for UNESCO;

National Commission of the Republic of Uzbekistan for UNESCO;

“Khunarmand” Association (Uzbekistan).

## Introduction

From remote times an extraordinary variety of traditional handmade woven fabrics, carpets, embroidered and block-printed textiles have been hand-made by the artisans of Turkistan for everyday use and for the decoration of houses. The process of dyeing, an important factor in manufacturing these textiles, is quite complicated work. It involves choosing the right nuances of colour for the design, preparing the threads for dyeing, and preparing the raw materials for dyeing. A comprehensive knowledge of raw materials, dye plants and dyeing techniques enables a skilled artisan to create new designs and patterns and good quality textiles. Conversely, an inability to choose the right colours and a superficial or incomplete understanding of dye components and techniques will blemish the textiles' design and patterns.

The purpose of writing this book is to describe the dyeing techniques used in the Uzbek craft of embroidery, textile and carpet weaving using silk and cotton threads and wool fibers with natural dyes, how to equip the dyeing workshop and to provide information about natural dye plants and materials in general.



Dyer's house  
Drying of the dyed silk in natural conditions (1954)



Sellers of dyed threads

If we look back to the history, paying attention to the traditional Uzbek fabric samples conserved in museums, we can see that the natural colours at these textiles are major part of their splendor. Natural colours make the fabric designs lively and vibrant, each colour having a symbolic meaning. For example, red in Uzbek textiles conveys vivacity and power, important values in peoples' lives. That is

why for traditional Uzbek textiles, properly designed and masterly composed with natural, robust and durable colours, are notable for their longevity and beauty. As has been said, dyeing is considered to be complex work, mainly because the techniques of natural dyeing were a closely guarded secret kept within a family or by the members of a dye workshop in Uzbekistan. Until 1930 the craft of dying was organized in small workshops with a master craftsman and three or four helpers, usually young relatives. Particularly in western Central Asia, different methods of dying were practiced by the various ethnic and religious groups. For example, indigo fermentation dyeing tended to be a speciality of the Bukharian Jews.

The secrets of dyeing were handed down from generation to generation in order to preserve a family trademark, that would make fabrics different and unique among other similar fabrics. The skillful dyers were well-respected in the society and called "rangrez" or briefly "rariz". During the 1950s, the well-known dyeing masters Kosim rariz, Juravoy rariz and Jaloliddin rariz are lived in "Oq masjid" makhalla (neighbourhood) of Margilan city. And the dyeing workshop was called "Rarizxona". It is therefore not surprising that even up to the present day traditional masters who know the technique of natural dyeing are usually unwilling to share the secret with others.



Referring to the textile city of Margilan, it is important to note that being a famous place of traditional textiles in the second half of the XIX century, Margilan became “a Silk Center” of Turkistan due to historical, economic and other factors.

According to Russian scientist K. Razvodovskiy's analytical researches in 1916s on textile workshops, at that period if in Bukhara there were operated 46 silk weaving workshops with 197 weavers, Qarshi numbers 19, Kokand – 40 and in Samarkand – 6, but the majority of those kind of weaving workshops were located in Margilan and amounted to nearly 1200.

The main dyes used for textile dyeing from ancient times till now have been extracted from humble plants as pomegranate, madder, saffron and walnut grown locally. Cochineal and indigo were imported from abroad along the Great Silk Road. These dyes were used to get different colour combinations. In contrast to synthetic dyes, it is fairly difficult to get Day-Glo from natural dyes. But the priority of natural colour is that it does not shade off then. This helps the textile to keep the colour unchangeable.



*Process of dyeing the threads (1947)*



*Dyeing workshop (the end of the XIX century)*

## Dyes

In Uzbek traditional folk art samples as ikat weaving, embroidery, carpet weaving and block-printing, the natural dyeing is a complex process, which consists of 3 steps:

1) Extraction of colours based on good knowledge on dye plants;

2) Preparation of the products for dyeing (silk bleaching, soaking the yarns and fabrics in alum)

3) Preparation of water for dyeing and washing off after dyeing.

Various types of plants, vegetable and fruit trees that are used for dyeing are easily available in the gardens and markets of Uz-bekistan. Plants such as madder can be picked not only in mountainous regions, they can also be cultivated in the backyard of a house. This book describes techniques for preparing yellow, red, blue, black and brown colours on silk, cotton and wool, since they are traditionally predominant in Uzbek applied arts. In addition to these colours, however, other colours can be attained by experimenting by different combinations of dye compositions and overdyeing in a workshop. The results sometimes can be quite unexpected. For example, while dyeing into yellow colour by simmering 0.5 kg of silk with 150 grammes of onion peel and 50 grammes of pomegranate skins, some of the silk threads were left by mistake in the solution for 4 days, and when they were removed from the dye vat they had turned in pale green colour.



Silk threads dyed with natural colours



Wool threads dyed with natural colours

The more you become interested in dyeing, the more you will want to experiment and the more likely you are to obtain fascinating new results. If your dyes do not turn out as described in this book, do not dismay. Check the water content and temperature once again. Also, it is important to obtain dyeing materials from a reliable source. A madder root, for example, must be at least two years old for dyeing purposes; otherwise the result will be that you are likely to get a yellow or brownish tone, instead of red. Also, attention needs to be given to pre-mordant silk, cotton and wool threads with alum. Another factor that can affect the colours is density: if the threads are tied too tightly, they must be kept longer than the two folded ones, because the colour solution needs to penetrate into tight strings. Goat's wool is easier to dye than sheep's, and cotton thread is more difficult to dye compared to silk and wool, and needs more dyeing substances.

The proportion of dye to water is essential to produce a desired colour. The kind of container (glazed or unglazed) used is also important, as well as the amount of dye stuff and how much water is used in dyeing. In a time when synthetic colours are widely used for dyeing, if this book can persuade the reader to start using natural dyes, using the techniques and following the advice in these pages, the aim of the authors will have been accomplished.



## Utensils used for dyeing

### Copper pots (bowl)

Traditionally in the past the dye masters of Turkistan used pottery containers and copper pots in their dyeing workshops. Even now in traditional Uzbek dyeing, large 50 to 100 liter copper bowls are used for dying fabrics. The reason is that when a hank of threads (usually 200 meters of silk threads for a weaving) is dyed, all of it has to be dyed in one time. Otherwise, separate dye batches will result in slightly different colours. Copper pots transmit heat easily, which is why copper pots are preferred, but in small workshops you can use enamelled bowls; it doesn't make a big difference. One more very important point is to remember to use a separate bowl for each colour.



Copper pots (bowl)


### A pestle and mortar



A pestle and mortar

A pestle and mortar are needed for grinding alum and all other solid materials needed for dyeing.

### Weighting scales



Glazed jars or plastic containers

Weighting scales play an important role in the dyeing sessions. They are used for measuring precise quantities of dyes and other materials.

### **Glazed jars or plastic containers**

Glazed jars or plastic containers are needed to store the dyeing solution after the session. The solution after being used can remain in a good condition if it is kept in a shaded place.



*Plastic containers*

### **A thermometer**



*Thermometer*

A thermometer is needed for controlling the correct temperature of water. The right temperature is of vital importance in achieving the desired colour.

### **PH and TDS tester**

These two tools are important to use for testing the acidity or alkaline levels and quality of water in preparing for dyeing, and if necessary to change it and keep controlling during the dyeing sessions.



*PH and TDS tester*

### **A special room for drying**


A dark, cool and dry place is necessary for storing the threads before and after dyeing.



*A special room for drying silk*

### **Rubber gloves**

Rubber gloves are to be worn to protect the hands from burns, for dyeing with indigo hydrosulphite liquid is added and its acidity can burn the skin.



*Rubber gloves*

### **Wooden sticks**

Wooden sticks (40–50 cm length), one for each colour, are needed for stirring the dye solution.



*Wooden sticks*

### **A measurable dispenser**

A measurable dispenser is used for pouring water into the dye solution and for other purposes.



*Ladles*

## PH value and features of water

PH is a measure of the acidity or basicity of an aqueous solution. Solutions with a pH less than 7 down to 0 are said to be acidic and solutions with a pH greater than +7 up to 14 are basic or alkaline. The pH of pure water is about +7 at 25°C; this value varies with temperature. When an acid is dissolved in water, the pH will be less than that of pure water. When a base, or alkali, is dissolved in water, the pH will be greater than that of pure water.

There are examples of some pH values:

Substance	pH
The electrolyte in lead accumulators	0—1.0
Gastric juice	1.0—2.0
Lemon juice (5% solution of citric acid)	2.0±0.3
Food vinegar	2.4
Coca-Cola	3.0±0.3
Apple and orange juice	3.0
Tomato juice	4.1
Coffee	5.0
Shampoo	5.5
Tea	5.5
Acid rain	< 5.6
Saliva	6.8—7.4
Milk	6.6-6.93
Pure Water	7.0
Blood	7.36—7.44
Seawater, egg	8.0
Tooth paste	9.9
Hand soap	9.0—10.0
Ammonia	11.5
Bleaches	12.5—13
Concentrated solutions of alkalis, caustic soda	>14

The pH value of water is checked by pH tester to decide whether it is ready for dyeing or not. It plays a crucial role in getting expected colour result. For instance, for dyeing silk, wool and cotton threads with indigo or madder roots the pH of 9-10 is needed. And to change the pH of tap or river water from 7 to 9 or 10 caustic soda, baking soda or lime may be applied.

But in dyeing with cochineal or lac the pH of 5 is very important. To reach this indicator it is necessary to add food vinegar at temperature of +25°C. The heating of water will be continued until +80°C but not overheated.

